

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ, РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИНИНГ ВИРУСОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ЛОКТЕВА ЛЮБОВЬ МИХАЙЛОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ПАРВОВИРУС ИНФЕКЦИЯНИНГ КЛИНИК  
КЎРИНИШЛАРИНИ ВА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТАШХИСОТИНИ  
БАҲОЛАШ**

**14.00.10 –Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Локтева Любовь Михайловна**

Ўзбекистонда парвовирус инфекциянинг клиник  
кўринишларини ва дифференциал ташхисотини  
баҳолаш..... 3

**Локтева Любовь Михайловна**

Оценка клинических проявлений и дифференциальная  
диагностика парвовирусной инфекции в  
Узбекистане..... 21

**Lokteva Lyubov Mikhaylovna**

Evaluation of clinical manifestations and differential diagnosis of parvovirus  
infection in Uzbekistan ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 44

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ, РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИНИНГ ВИРУСОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ЛОКТЕВА ЛЮБОВЬ МИХАЙЛОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ПАРВОВИРУС ИНФЕКЦИЯНИНГ КЛИНИК  
КЎРИНИШЛАРИНИ ВА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТАШҲИСОТИНИ  
БАҲОЛАШ**

**14.00.10 –Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib635 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мусабаев Эркин Исакович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Худайкулова Гулнара Каримовна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Ибадова Гулнара Алиевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказ ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биносининг мажлислар зали. Тел./факс: +99878-150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99878)150-78-14

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Л. Н. Туйчиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н. У. Таджиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
қотиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б. М. Таджиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Парвовирус В19 инфекциясининг ташхисоти тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Парвовирус В19 инфекцияси «...бутун дунё бўйлаб кенг тарқалган касалликдир...»<sup>1</sup>. Аммо, кўпгина мамлакатларда ушбу касалликнинг рўйхатдан ўтказилиши керак бўлган юқумли касалликлар тузилмасига киритилмаганлиги, ушбу инфекциянинг ҳақиқий кўрсаткичларини аниқлаш имконини бермайди. Ҳозирги кунга келиб, парвовирус В19 инфекциясини ташхислашнинг қийинлиги «...патогенез механизмларининг мураккаблиги, экзантема ва яллиғланишли артропатия билан кечадиган бошқа юқумли ва соматик касалликлар клиник белгиларининг ўхшашлиги билан боғлиқдир...»<sup>2</sup>. Бу муаммонинг долзарблиги парвовирус В19 инфекциясининг клиник-лаборатор хусусиятларини ҳамда ташхисот усулларини такомиллаштириш лозимлигини белгилайди.

Жаҳонда парвовирус В19 нинг репликацияси, тропизми, касалликнинг хавф омиллари, клиник хусусиятлари, эрта ташхислаш, асоратларнинг олдини олиш, даволаш ва профилактикасининг самарадорлигини ўрганиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, экзантемали касалликлар тузилмасида парвовирус В19 инфекциясининг ролини аниқлаш, характерли клиник, лаборатор хусусиятларини баҳолаш ва ташхисот усулларини оптималлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, парвовирус В19 инфекциясининг ўзига хос хусусиятлари ва дифференциал ташхисотини ҳисобга олган ҳолда, ушбу беморларни кузатиш алгоритминини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз аҳолисининг турли қатламларида юқумли касалликларни эрта ташхислаш, такомиллаштирилган даво усулларини ишлаб чиқиш ва асоратларини камайтириш бўйича маълум ютуқларга эришилди ва соғлиқни сақлаш тизимида кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорига мувофиқ, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...аҳолига сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш...»<sup>3</sup> вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда юқумли касалликларни ташхислаш ва даволаш даражасини янги босқичга кўтариш, даволашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш, ҳамда сифатли тиббий ёрдамда инновацион технологияларни қўллаш муҳим

<sup>1</sup>Д.Ю.Овсяннико. Дифференциальная диагностика инфекционных экзантем у детей. Детские инфекции. 2015.-№1.-С.49-54.

<sup>2</sup>L.D.Logo, et al. Human parvovirus B19: A review. Acta virologica. 2014:58.-P.199-213.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2857-сон «Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган ва тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларининг доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Парвовирус В19 инфекциясини ўрганишга бағишланган адабиёт манбаларида келтирилган илмий тадқиқотлар, ушбу инфекция белгиларсиз ёки кенг кўламли клиник аломатлар билан кечишини кўрсатди. Россия (Антипова А.Ю., 2011; Медведева В.В., 2013) ва хорижда (Nicolay N., 2009) ўтказилган тадқиқотлар 70-80% катталар аҳолисининг қон зардобиди парвовирус В19 га қарши махсус IgG антитаналарнинг борлигини кўрсатди, бу эса, парвовирус В19 инфекцияси билан аввал касалланганликдан далолат беради. Шу билан бирга, Европада ўтказилган тадқиқотлар туғиш ёшидаги аёлларнинг 15-45% да парвовирус В19 га қарши махсус IgG антитаналарнинг мавжуд эмаслигини кўрсатди (De Jong E.P., 2011; Lassen J., 2012; Watt A.P., 2013). Турли хил юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар клиник кўринишларининг ўхшашлиги экзантема ва артралгия билан кечадиган касалликларнинг этиологик агенти сифатида парвовирус В19 нинг ролини аниқлаш учун изланишларни олиб боришни тақазо этади (Антипова А.Ю., 2011; Pedranti M.S., 2012; Ермолович М.А., 2016; Климович Н.В., 2017; Aboelazmi A.A., et al., 2018). Парвовирус В19 инфекциясининг клиник ва лаборатор кўринишларининг хусусиятлари оғир ҳамроҳ патологияси бўлган беморларда аниқланган (Климович Н.В., 2017). Маҳаллий адабиёт манбаларида фақатгина гематологик беморлар ва қон донорлари орасида парвовирус В19 инфекцияси билан касалланишни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар мавжуд (Ризаева Ф.А., Каримов Х.Я., 2019).

Илмий адабиётларининг таҳлилидан кўришиб турибдики, республикамизда парвовирус В19 инфекциясининг клиник ва лаборатор хусусиятларини очиб берувчи тадқиқотлар мавжуд эмас. Шу туфайли, Ўзбекистон Республикасида парвовирус В19 инфекциясининг клиник-

лаборатор кўринишларини ўрганиш инфектологиянинг долзарб муаммоларидан биридир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Вирусология илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ, ПЗ-2017090828 «Ўзбекистонда парвовирус инфекциясининг клиник ва лаборатория мезонларини ишлаб чиқиш» (2017-2020 йй) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Тошкент шаҳри мисолида болаларда парвовирус В19 инфекциясининг клиник-лаборатор кўринишларини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

аллергик белгилар ва артрит кузатилган беморларда парвовирус В19 нинг ролини аниқлаш;

парвовирус В19 инфекциясининг клиник хусусиятларини аниқлаш;

парвовирус В19 инфекциясининг лаборатор хусусиятларини аниқлаш;

парвовирус В19 инфекциясининг аллергик касалликлар ва ревматик артрит билан дифференциал ташхисотини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент шаҳридаги 1-сонли шаҳар клиник болалар касалхонасининг аллергология бўлимига озик-овқат аллергияси, дори аллергияси ташхиси билан ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг кардиоревматология бўлимига ревматик артрит ташхиси билан ётқизилган турли ёшдаги 251 та беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида веноз қон, қон зардоби умумий клиник тадқиқотлар учун ва қон плазмаси парвовирус В19 га қарши IgM антитана ва парвовирус В19 ДНК сини аниқлаш учун олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга ошириш учун умумий клиник, серологик, молекуляр-биологик, инструментал ва статистик усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

аллергология ва кардиоревматология бўлимларига ётқизилган беморларда тошмалар ва артрит шаклланишида парвовирус В19 нинг этиологик роли мавжудлиги исботланган;

парвовирус В19 инфекциясининг 4-7 ва 8-14 ёшдаги болалар гуруҳида устунлик қилиши аниқланган;

илк бор парвовирус В19 инфекциясининг клиник ва лаборатор хусусиятлари аниқланган;

парвовирус В19 инфекцияси билан касалланган беморларни кузатиш алгоритми таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

аллергология ва кардиоревматология бўлимига ётқизилган болалар ўртасида тошмалар ва артритнинг этиологик сабаби аниқланган;

парвовирус В19 инфекциясини ўз вақтида ташхислашга имкон берувчи касалликнинг частотаси, мавсумийлиги, ёш хусусиятлари, касалликнинг кечиши, клиник кўринишлари ва лаборатория хусусиятлари аниқланган;

парвовирус инфекцияси В19 ни эрта ташхислаш учун ПЗР ни жорий этиш зарурлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда услубий жиҳатдан тўғри назарий ёндашувлар ва усуллардан фойдаланилганлик, беморларнинг етарли сони, қўлланилган серологик, молекуляр-биологик ва статистик таҳлил усулларининг асосланганлиги, олинган маълумотларга замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлов берилганлиги, шунингдек, парвовирус В19 инфекциянинг клиник кўринишларини ва дифференциал ташхисотини баҳолаш натижасида олинган маълумотларнинг маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда илк бор парвовирус В19 инфекциясининг клиник ва лаборатор хусусиятлари аниқланиб, тошмалар ва артрит шаклланишида парвовирус В19 роли мавжудлиги исботланган, бу эса, ушбу касалликни эрта аниқлаш ва ўз вақтида ташхислаш учун серологик, молекуляр-биологик текширишларнинг ташхисий қиймати билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти парвовирус В19 инфекцияси ташхисини эрта этиологик тасдиқлашда ПЗР усулидан фойдаланиш зарурлиги, тошмалар ва ревматик артрит билан алергология ва кардиоревматология бўлимларига ётқизилган беморларда парвовирус В19 инфекциясининг аниқланиши ҳамда ушбу касаллик билан касалланган беморларни кузатиш алгоритмининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Парвовирус В19 инфекциясининг клиник ва лаборатор хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижаларга асосланиб:

парвовирус В19 инфекцияси ташхисотини такомиллаштириш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Парвовирус инфекцияси билан касалланган беморларни кузатиш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 30 декабрдаги 8н-р/614-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома парвовирус В19 инфекцияси билан касалланган беморларни ташхислаш ва ўз вақтида даволаш учун чораларни қўллашга хизмат қилган;

парвовирус В19 инфекциясининг клиник ва лаборатор хусусиятларини ўрганишда олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, 1-сонли шаҳар болалар клиник касалхонасида ва Тошкент шаҳридаги ТошПТИ клиникаси шифохоналари амалиётига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 10 февралдаги 8-н-9/18-сонли маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар парвовирус В19 инфекциясини ўз вақтида ташхислаш, антибактериал, яллиғланишга қарши



терапия юкини бекор қилиш, беморларни даволаш вақтини қисқартириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имконият яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, изланишнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети ҳамда республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тасвирланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, рўйхати, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Диссертациянинг **«Парвовирус В19 инфекциясининг замонавий жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётлардаги мавзуга доир манбаларнинг таҳлили ёритилган. Парвовирус В19 инфекциясининг этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиник кўриниши, лаборатор ва дифференциал ташхисотига доир муаммолар ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **«Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида қўйилган вазифаларнинг ҳал қилинишини таъминловчи тадқиқот объекти, тадқиқот усуллари ва услубий ёндашувлар тавсифи баён этилган. Тадқиқотлар 1-сонли шаҳар клиник болалар шифохонаси ва ТошПТИ клиникаси базасида олиб борилган. Парвовирус В19 инфекциясининг лаборатор ташхисоти Вирусология ИТИ да амалга оширилди. Тадқиқот доирасига парвовирус инфекциясига шубҳа қилинган 251 нафар бемор, шулардан тошмалар билан 152 та болалар ва ревматик артрит билан 99 та болалар қамраб олинган.


Барча беморлар умумий клиник текширувлардан ўтказилиб, улар эпидемиологик анамнез, ҳаёт тарихи ва клиник текширувларни ўз ичига олган. Обьектив текшириш жараёнида антропометрик ўлчовлар (бўй, вазн, тана массаси индекси), органлар ва тизимларни текшируви олиб борилди. Гематологик анализаторда клиник қон текшируви ўтказилди ва лейкоцитлар,

эритроцитлар, гемоглобин, тромбоцитлар, шунингдек лейкоцитлар формуласи аниқланди.

Парвовирус В19 га қарши IgM антитаналар MICROGEN (Германия) томонидан ишлаб чиқарилган «RecomWell Parvovirus B19 IgM» тест тўплами ёрдамида аниқланди. Парвовирус В19 ни молекуляр-биологик аниқлаш қон плазмасида вируснинг дезоксирибонуклеин кислотаси (ДНК) мавжудлигини аниқлаш (сифатий таҳлил) реал вақтдаги гибридизацион-флюоресцент детекцияли полимераз занжири реакцияси (ПЗР) ёрдамида «АмплиСенс® Parvovirus B19-FL» тўплами орқали амалга оширилди, (Россия Федерацияси, Москва).

Натижаларга статистик ишлов бериш жараёнида одатий тақсимланган кўрсаткичлар учун икки гуруҳдаги қийматларни таққослашда Стъюдент t-мезони, Хи-квадрат мезони ва Фишернинг аниқ мезони қўлланилди.

Диссертациянинг «**Парвовирус В19 инфекциясининг клиник ва лаборатор хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида тошмалар ва ревматик артрит мавжуд бўлган 251 нафар беморни ўрганиш натижасида олинган маълумотлар келтирилган. Тошмалар ва ревматик артрит билан 251 нафар беморларнинг қон плазмасини серологик ва молекуляр-биологик текширув натижалари парвовирус В19 инфекцияси маркерлари 74 та (29,5%) болаларда аниқланганлигини кўрсатди. Парвовирус В19 инфекциясини барча текширилган беморлар қон плазмасида турли усуллар билан аниқлашни қиёсий таҳлил қилиш маълумотлари 1-расмда келтирилган. Парвовирус В19 ДНК сининг фақатгина 8,4% ҳолатларда аниқланиши вирус репликацияси тугагандан кейин беморларнинг касалхонага кеч ётганлигидан далолат беради.




**1-расм. Парвовирус В19 инфекциясини турли усуллар билан барча текширилган беморлар орасида аниқлаш**

Парвовирус В19 инфекцияси аниқланган 74 та беморлар орасида энг кўп беморлар ИФА ёрдамида – 53 (71,6%) ҳолатларда ( $p < 0,001$ ), ПЗР ёрдамида эса 21 (28,4%) ҳолатларда аниқланган. Ушбу беморлар касалликнинг 6-19 кунда касалхонага ётган. Серологик ва молекуляр-биологик усуллар ижобий натижаларининг қиёсий таҳлилида парвовирус В19 инфекцияси ревматик


артрит билан кардиоревматология бўлимига ётқизилган беморларга нисбатан аксарият ҳолатларда тошмалар билан аллергология бўлимига ётқизилган беморлар орасида аниқланди (27,0% ва 73,0% мос равишда,  $p < 0,001$ ).

Аллергология ва кардиоревматология бўлимларига касалликнинг 6-12 кунда ётқизилган парвовирус В19 инфекцияси аниқланган беморларда парвовирус В19 ДНК сининг энг паст даражада қайд этилиши, бу беморларнинг касалхонага кеч мурожаат қилганлигидан далолат беради. Беморлар касалликнинг 11-19 кунда кеч касалхонага ётқизилганда қонда парвовирус В19 ДНК си йўқ бўлганлиги ва парвовирус В19 га қарши махсус IgM антитаналар мавжуд бўлганлиги аниқланди (2-расм).



**2-расм. Касалликнинг бошланган вақтига боғлиқ ҳолда парвовирус В19 инфекциясининг аниқланиши**

Парвовирус В19 инфекцияси билан боғлиқ статистик маълумотлар йўқлиги сабабли, биз йил фаслига қараб касалланишни ўргандик. Парвовирус В19 инфекциясининг тасдиқланган ҳолатлари бўйича касалланиш даражасини таҳлил қилиш, 2019 йил мавсумида, баҳорда, асосан март, апрел ва май ойларида касалланиш кўпайганлигини кўрсатди (3-расм).




**3-расм. 2019 йилда парвовирус В19 инфекцияси тасдиқланган ҳолатлар**

Касалликнинг мавсумийлиги ўрганилганда, парвовирус В19 инфекциясига чалинган беморлар касалхонага асосан баҳорда, аксарият 71,6% ҳолатларда мурожаат қилишган. Парвовирус В19 инфекцияси энг кўп март ойида – 20 (27,0%), апрел ойида – 19 (25,7%), май ойида эса 14 (18,9%) ҳолатларда аниқланди. Келгуси ойларда парвовирус В19 инфекциясининг аниқланиш частотаси камайди ва июн ойида парвовирус В19 инфекцияси 9 (12,2%) ҳолатларда аниқланди. Шунини таъкидлаш керакки, июл-сентябр, январь-феврал ойларида парвовирус В19 инфекцияси аниқланмади. Яқка касалланиш ҳолатлари октябр ойида – 2 (2,7%), ноябрда – 7 (9,5%), декабрда – 3 (4,1%) болаларда учради.

Парвовирус В19 инфекцияси аниқланган болалар касалхонага турли ташхислар билан ётқизилган. Кўпинча болалар аллергология бўлимига дори аллергияси, озиқ-овқат аллергияси, поливалент аллергия ва кардиоревматология бўлимига ревматик артрит (ўткир кечиши) ташхислари билан мурожаат қилишган.

Парвовирус В19 инфекцияси билан касалланган беморларда эпидемиологик анамнез йиғилганда 36,5% ҳолатларда касаллик сабабини аниқлашнинг имкони бўлмади, беморларнинг 24,3% поликлиникага ва/ёки шифохонага ташриф буюрганлигини, 16,2% беморлар меҳмонга ташриф буюрганлигини, беморларнинг 23,0% ўткир нафас йўллари инфекциялари билан касалланган беморлар билан мулоқатда бўлганлигини таъкидлашди. Анамнез маълумотлари преморбид фон мавжудлигини кўрсатди: 100% ҳолатларда анемия, ёндош касалликлар - бронхит – 23,0%, тонзиллит – 8,1%, ЎРВИ – 14,9% ва ЎРИ – 8,1% ҳолатларда кузатилди.

Парвовирус В19 инфекцияси билан касалланган болалар 1 ёшдан 16 ёшгача бўлганлиги аниқланди. Парвовирус В19 инфекцияси билан касалланган 74 та беморларнинг ёш хусусиятлари аниқланганда эпидемик жараёнга 4-7 ёш ва 8-14 ёшдаги болалар энг кўп жалб этилганлиги ва 15-18 ёшдаги болаларда ушбу инфекция кам учраши аниқланди (4-расм). Шунини таъкидлаш керакки, парвовирус В19 инфекцияси битта болада 1 ёшда аниқланди.



**4-расм. Парвовирус В19 инфекцияси билан касалланганларнинг ёш бўйича тақсимланиши**

Парвовирус В19 га қарши IgM антитаналар ва/ёки парвовирус В19 ДНК сининг аниқланиш частотаси мактабгача ёшдаги ва ўсмирларга (0-3 ёш ва 15-18 ёш) нисбатан 4-7 ёш ва 8-14 ёш болалар орасида кўпроқ аниқланди. Мактаб ёшидаги болалар орасида парвовирус В19 инфекциясининг кўпроқ аниқланиши болаларнинг мактабга ташриф буюриши ва тўпланиши билан изоҳлаш мумкин. Беморларнинг жинс бўйича тақсимланиши парвовирус В19 инфекциясининг қиз болаларга нисбатан ўғил болалар ( $p < 0,05$ ) орасида кўпроқ учрашини кўрсатди. Парвовирус В19 инфекцияси 29 (39,2%) ҳолатларда енгил кечиши, 45 (60,8%) беморда ўртача оғирликда кечиши ( $p < 0,05$ ) аниқланди. Касалликнинг оғир шакли аниқланмади.

Барча беморларда касаллик тана ҳароратининг кўтарилиши ва ўртача ифодаланган интоксикация билан бошланди. Клиник кўрувда интоксикациянинг илк белгиларидан бири тана ҳароратининг кўтарилиши бўлиб, у 71 (95,9%) ҳолатларда кузатилди ва турли даражада ифодаланиб, субфебрил ҳарорат ( $p < 0,05$ ) фебрил ҳароратдан устун бўлди. Субфебрил тана ҳарорати ( $37-37,9^{\circ}\text{C}$ ) 50 (67,6%) нафар болаларда кузатилди, фебрил ҳарорат ( $38-38,9^{\circ}\text{C}$ ) - 21 (28,4%) ҳолатларда аниқланди. Субфебрил тана ҳарорати 4-7 ёш ( $p < 0,0001$ ) ва 8-14 ( $p < 0,0001$ ) ёшдаги болалар орасида бошқа гуруҳдаги болаларга нисбатан кўпроқ учраши кузатилди. Субфебрил ҳарорат кўтарилиши 1-2 кун давом этди, юқори тана ҳарорати эса 2-3 кун кузатилди.

Парвовирус В19 инфекцияси билан касалланган беморларда продромал даврнинг биринчи кунларидан бошлаб 63,5% беморларда катарал синдром кузатилди, улар асосан бурун оқиши билан намоён бўлиб, 2-3 кун давом этди. Бурун оқиши 23 (31,1%) ( $p < 0,001$ ) ҳолатларда ва йўтал 25 (33,8%) ( $p < 0,001$ ) ҳолатларда бошқа ёшдаги болаларга нисбатан 4-7 ёшдаги болалар ўртасида ишончли даражада кўпроқ учради. Йўтал давомийлиги 4-5 кунни ташкил этди. Холсизлик, кўнгил айниш ва иштаҳанинг пасайиши кўринишидаги интоксикация синдроми 4-7 ёшдаги ва 8-14 ёшдаги болалар орасида, бош оғриғи эса, 8-14 ёшдаги болалар ўртасида ишончли кўпроқ учраши аниқланди (1-жадвал).

Парвовирус В19 инфекцияси мавжуд барча беморлар орасида тошмалар 97,3% ҳолатларда кузатилди ва 4-7 ёшдаги ( $p < 0,0001$ ) ва 8-14 ёшдаги ( $p < 0,0001$ ) гуруҳларда кўп қайд этилди. Тошмалар касаллик бошланганидан 8-12-кунлари пайдо бўлди, уларнинг табиати турли хил бўлиб, доғсимон-папулез ва қизамиққа ўхшаш хусусиятга эга бўлди. Беморларни кўздан кечирганда, тошмалар дастлаб ёрқин қизил рангга эга бўлиб, ёноқларда аниқ чегаралари бўлган бироз қавариқ эритема кузатилди, у тарсаки изларини эслатди. 74 та болалардан 32 (47,1%) нафарида ёноқлар гиперемияси ("шапалоқ ёноқлар симптоми") кузатилиб, улар 0-3 ёшдаги ва 8-14 ёшдаги болалар гуруҳига нисбатан 4-7 ёшдаги ( $p < 0,05$ ) болаларда кўпроқ аниқланди ва тошмалар пешона ва оғиз атрофига тарқалмади.

Кейинчалик, тошманинг 3-4 куни улар елкалардан пастга, танага, думбага, оёқ ва қўлларга тарқалди ва тошма пушти-қизил рангга эга бўлди.

## Парвовирус В19 инфекциясининг клиник намоён бўлиши

Клиник белгилар	0-3 ёш		4-7 ёш			8-14 ёш			15-18 ёш		
	абс	%±m	абс	%±m	P	абс	%±m	P	абс	%±m	P
Субфебрил ҳарорат	4	5,4±2,6	22	29,7±5,3	<0,0001	22	29,7±5,3	<0,0001	2	2,7±1,9	>0,05
Фебрил ҳарорат	3	4,0±2,3	8	10,8±3,6	>0,05	9	12,2±3,8	>0,05	1	1,4±1,4	>0,05
Ҳолсизлик	7	9,4±3,4	30	40,5±5,7	<0,0001	34	45,1±5,8	<0,0001	3	4,0±2,3	>0,05
Иштаҳа камайиши	5	6,7±2,9	22	29,7±5,3	<0,001	24	32,4±5,4	<0,0001	2	2,7±1,9	>0,05
Бош оғриғи	2	2,7±1,9	7	9,4±3,34	>0,05	13	17,6±4,4	<0,01	2	2,7±1,9	>0,05
Бурун оқиши	6	8,1±3,2	23	31,1±5,34	<0,001	17	23,0±4,9	<0,01	1	1,4±1,4	>0,05
Ўўтал	6	8,1±3,2	25	33,8±5,5	<0,001	22	29,7±5,3	<0,001	1	1,4±1,4	>0,05
Кўнгил айнаши	6	8,1±3,2	21	28,3±5,2	<0,001	24	32,4±5,4	<0,001	2	2,7±1,9	>0,05
Тошмалар	7	9,4±3,4	30	40,5±5,7	<0,0001	33	44,6±5,8	<0,0001	2	2,7±1,9	>0,05
Артралгия	0	0,0±0,0	10	13,5±4,0	<0,001	13	17,6±4,4	<0,001	2	2,7±1,9	>0,05

Изоҳ: P - 0-3 ёш гуруҳига нисбатан фарқларнинг ишончлилиги.

Тошмалар сеткасимон ва тўрга ўхшаш бўлиб, тўлик, қизил эритемага айланди, тошмаларнинг ранги қуёш нурлари остида кучайиб, кафт ва товонларни қопламади. Тошмалар терининг қичиши билан кечди, тошма пайдо бўлган пайдан бошлаб, 3-7 кун ичида аста-секин йўқ бўлиб, пигментация ва тери кўчиши кузатилмади.

Тошмалар оёқ ва қўлларнинг букувчи ва ёзувчи юзаларида ва танада 24 (35,3%) ҳолатларда доғсимон-папулёз характерга эга бўлиб, улар динамикада "тўрсимон" тус олди.

Тошмалар 12 (17,6%) нафар болаларда қизамиққа ўхшаш характерга эга бўлиб, ёноқларнинг гиперемияси фонида бутун танага тарқалди. Қизамиқ инфекциясининг серологик натижалари салбийлиги аниқланди. Тошмалар 16 (23,5%) нафар болаларда 3-4 кун давомида сақланиб қолди. Тошмаларнинг давомийлиги 4 кундан 6 кунгача 23 (33,8%) ҳолатларда, 29 (42,6%) нафар болаларда 6-7 кун кузатилди. Тошмаларнинг ўртача давомийлиги 6 кунни ташкил этди. Тошмалар элементлари теридан бир оз кўтарилмади ва тери кичиши 41,3% ҳолатларда кузатилди ва доғлар пайдо бўлмасдан йўқолди.

Парвовирус В19 инфекцияси билан касаллаган болалар орасида артралгия 25 та (33,8%) ҳолатда кузатилди ва 4-7 ёшдаги ( $p < 0,001$ ) ва 8-14 ёшдаги ( $p < 0,001$ ) болалар ўртасида кўпроқ кузатилди. Тизза бўғимларида оғриқ 20 (80,0%) болаларда ва 5 (20,0%) ҳолатда тизза ва болдир-товон бўғимларида кузатилди. Бўғимлар шиши 100% ҳолатларда аниқланди. Бўғимларнинг яллиғланиши симметрик тарзда пайдо бўлди ва мустақил равишда бўғимларга зарар етказмасдан ўтиб кетиши кузатилди. Барча болаларда касалликнинг кечиши асоратиз бўлди.

Биз парвовирус В19 инфекциясида лаборатор ўзгаришларини ўргандик. Барча текширилган 251 нафар беморлар ўртасида 53 (21,1%) ҳолатда парвовирус В19 га қарши IgM антитаналар аниқланди. 21 (8,4%) ҳолатларда эса, парвовирус В19 ДНК си мавжудлиги аниқланди. Ушбу текширилган беморларда парвовирус В19 ДНК нинг фақатгина 8,4% аниқланиши уларнинг касалхонага кеч мурожаат этганлидан далолат беради. Барча текширилган беморларда ҳам парвовирус В19 га қарши IgM антитаналар ҳам парвовирус В19 ДНК сининг бир вақтнинг ўзида аниқланиши 4 (1,6%) ҳолатларда аниқланди. Парвовирус В19 инфекцияси билан касалланган беморларда 100% ҳолатларда гемоглобин камайиши аниқланди, ўртача гемоглобин қиймати  $91,1 \pm 0,98$  г/л ни ташкил этди. Ушбу патология учун барча ёшдаги гуруҳлар учун тромбоцитопения характерли бўлиб, тромбоцитларнинг ўртача миқдори  $136,9 \pm 4,51 \times 10^9$ /л ни ва эритроцитларнинг камайиши кузатилиб, унинг ўртача миқдори  $2,7 \pm 0,12 \times 10^{12}$ /л ни ташкил қилди. Лейкоцитлар формуласи таҳлил қилинганда сегментядроли нейтрофиллар камайиши кузатилиб, уларнинг ўртача миқдори  $24,8 \pm 0,46\%$  ва  $27,7 \pm 0,88\%$  ни ташкил этди, 8-14 ёшдаги ва 15-18 ёшдаги гуруҳлар учун мос равишда.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган барча маълумотлар шуни кўрсатадики, парвовирус В19 инфекцияси кенг тарқалишига қарамай, у ҳозиргача Ўзбекистонда рўйхатга олинмаган касалликлар рўйхатига киритилмаган ва амалиёт шифокорлари ушбу касалликнинг мавжудлигини

билишмайди ва “парвовирус В19 инфекцияси” ташхисини қўйишмайди. Бу, хусусан, тошмалар ва ревматик артрит билан касалланган беморларни соматик касалхоналарнинг аллергология ва ревматология бўлимларига ётқизилган ҳолатларини текширув натижалари билан тасдиқланади. ИФА ёрдамида парвовирусга қарши IgM антитаналар ва ПЗР ёрдамида парвовирус ДНКсининг аниқланиши экзантемали касалликлар ва артрит ривожланишида парвовирус В19 нинг ролини таъкидлайди. Парвовирус В19 инфекцияси учун барча ёшдаги гуруҳларда гемоглобин, тромбоцитлар ва эритроцитлар камайиши ва сегмент ядроли нейтрофилларнинг камайиши эса, 8-14 ёш ва 15-18 ёшдаги болалар гуруҳига хос бўлди.

Диссертациянинг «**Болаларда парвовирус В19 инфекциясининг дифференциал ташхисоти**» деб номланган тўртинчи бобида парвовирус В19 инфекциясини аллергик касалликлар ва ревматик артрит билан дифференциал ташхисотининг натижалари келтирилган. Парвовирус В19 инфекциясининг клиник-лаборатор хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш учун серологик ва молекуляр-биологик усуллар натижаларига биноан беморлар 2 та гуруҳга тақсимланди: асосий гуруҳ – парвовирус В19 га қарши IgM антитаналар ва/ёки парвовирус В19 ДНК си мавжуд беморлар ва назорат гуруҳи – парвовирус В19 инфекцияси аниқланмаган беморлар. Парвовирус В19 инфекциясини аллергик касалликлар ва ревматик артрит билан дифференциал ташхисотини ўтказдик.

Тошмалар билан аллергология бўлимига ва ревматик артрит билан кардиоревматология бўлимига ётқизилган барча 251 та беморлар орасида жами 74 (29,5%) ҳолатларда парвовирус В19 инфекцияси аниқланди. Аллергология бўлимига тошмалар билан 152 та беморлар ётқизилиб, улардан 54 (35,5%) ҳолатларда парвовирус В19 инфекцияси аниқланди, аллергик касалликлар эса, 98 (64,5%) ни ташкил этди. Аллергология бўлимига ётқизилган болалар орасида парвовирус В19 инфекциясининг аниқланиши 4-7 ёшдаги ( $p < 0,05$ ) ва 8-14 ёшдаги ( $p < 0,05$ ) болалар гуруҳида устунлик қилди, аллергик касалликлар эса, 4-7 ёшдаги ( $p < 0,001$ ) болалар ўртасида устунлик қилди.

Кардиоревматология бўлимига ётқизилган 99 та беморлардан 20 (20,2%) ҳолатларда парвовирус В19 инфекцияси, 79 (79,8%) ҳолатда ревматик артрит аниқланди. Парвовирус В19 инфекцияси ва ревматик артрит бир хил ишончли равишда 4-7 ёшдаги ( $p < 0,01$ ) ва 8-14 ёшдаги ( $p < 0,001$ ) болалар ўртасида аниқланди.

Аллергология бўлимига ётқизилган болалар орасида парвовирус В19 инфекциясининг учраш частотаси ўғил боларда устунлик қилиб 64,8% ни ( $p < 0,05$ ) ташкил этди, назорат гуруҳида аллергик касалликлар қиз болалар ўртасида устунлик қилиб, 52,0% ни ташкил этди ( $p > 0,05$ ). Кардиоревматология бўлимига ётқизилган болалар орасида парвовирус В19 иккала жинсдаги гуруҳда 50,0% дан бир хил частотада учраши кузатилди, ревматик артрит ўғил болаларда кўпроқ аниқланиб, у 58,2% ( $p > 0,05$ ) ни ташкил этди.



Аллергология бўлимига ётқизилган асосий ва назорат гуруҳидаги болалар ўртасида касалхонага ётқизилиши бўйича фарқ кузатилди. Беморларни касалхонага ётқизиш муддатларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, парвовирус В19 инфекцияси билан касалланган беморлар касалликнинг 6-17 кунларида, аллергия касалликлар билан касалланган болалар эса касалликнинг 2-7 кунларида касалхонага ётқизилган. Касалхонанинг кардиоревматология бўлимига ётқизилган асосий ва назорат гуруҳлар болалари орасида касалхонага ётқизилиш муддатларидаги фарқ унчалик катта бўлмади. Касалхонанинг кардиоревматология бўлимига болаларни ётқизиш муддатларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, парвовирус В19 инфекцияси аниқланган болалар касалликнинг 6-17 кунларида, ревматик артритга чалинган болалар эса, касалликнинг 10-22 кунларида касалхонага ётқизилган. Олинган натижалар парвовирус В19 инфекцияси мавжуд бўлган беморларнинг тиббий ёрдамга кеч мурожаат этишидан далолат бермоқда, бунинг сабаби, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғин шифокорларининг ушбу касаллик ҳақида маълумотга эга эмаслигидадир. Беморларнинг касалхонага кеч мурожаат этиши касаллик тарқалишига сабаб бўлади.

Аллергия касалликлар ва ревматик артрит билан касалланган болалар йил давомида касалхонага ётқизилган, аммо асосан баҳор ва ёзги даврда 62,9% ва 70,9% ҳолатларда мос равишда кузатилган. Парвовирус В19 инфекцияси билан касалланиш ишончли равишда 71,6% ( $p < 0,001$ ) баҳорда аниқланган ва куз-қиш даврида 16,2% ни ва июн ойида 1 (12,1%) ҳолатни ташкил этди.

Парвовирус инфекцияси В19 касаллигининг сабабини 36,5% ҳолатларда аниқлаб бўлмади, болаларнинг 24,3% поликлиникада ва/ёки касалхонада, 16,2% меҳмонга ташриф буюришган, 23,0% ҳолатларда улар ўткир респиратор инфекцияли беморлар билан мулоқатда бўлган. Аллергия касалликларнинг сабаби 75,5% ҳолатларда озиқ-овқат аллергияси бўлган, 14,3% болаларда дори аллергияси, 10,2% ҳолатларда контакт аллергия кузатилган. Ревматик артрит билан касалланган болаларда касалликнинг тонзиллит билан боғлиқлиги 68,4% болаларда, ЎРВИ ва ЎРИ билан боғлиқлик 12,7% ва 19,0% ҳолатларда мос равишда аниқланди.

Аллергология бўлимига ётқизилган болаларнинг касалланиш тарихини ўрганиш шуни кўрсатдики, аллергия касалликлар билан касалланган болалар кўпинча ЎРВИ ва бронхит билан касалланган, парвовирус В19 инфекцияси билан касалланган болаларнинг 24,1% да бронхит ва 100% болаларда анемия кузатилган ва бунинг сабаби ушбу инфекцияга хос бўлган эритропоэзининг (эритроцитлар ишлаб чиқиши) вақтинча тўхташидадир. Кардиоревматология бўлимига ревматик артрит билан ётқизилган беморлар анамнезида 68,4% ҳолатларда тонзиллит кузатилган ва у ушбу касаллик ривожланишига сабаб бўлган бўлиши мумкин, парвовирус В19 инфекциясида эса, анемия 100% ҳолатларда ва ЎРВИ 55,0% ҳолатларда кузатилди. Парвовирус В19 инфекцияси билан касалланган беморларда касалликнинг характерли

бошланиши таққослаганда, касаллик енгил ва ўртача оғирликда кечиши кузатилди ва касалликнинг оғир кечиши кузатилмади. Таққослаш гуруҳида аллергик касалликлар ва ревматик артрит билан касалхонага ётқизилган болаларда ҳам касалликнинг ўртача оғирликда кечишининг устунлиги аниқланди.

Парвовирус В19 инфекцияси ва аллергик касалликлар кузатилган болаларнинг клиник белгилари қиёсий таҳлил қилинганда, фебрил ҳарорат ( $p < 0,05$ ), ҳолсизлик ( $p < 0,001$ ), йўтал ( $p < 0,001$ ), кўнгил айнаши ( $p < 0,001$ ) ва артралгия ( $p < 0,05$ ) кўпроқ парвовирус В19 инфекцияси бўлган болаларда кўпроқ учраши аниқланди, аллергик касалликларга чалинган болаларда субфебрил ҳарорат ва бош оғриғи кўпроқ учради. Шунини таъкидлаш керакки, артралгия фақат парвовирус В19 инфекцияси бўлган болаларда кузатилди, тошмалар эса, 100% ҳолатларда ҳар иккала гуруҳнинг барча болаларида намоён бўлди.

Парвовирус В19 инфекцияси ва ревматик артрит кузатилган болалар клиник белгиларининг қиёсий таҳлили ҳолсизлик ( $p < 0,05$ ), кўнгил айнаши ( $p < 0,001$ ) ва тошмалар ( $p < 0,001$ ) каби аломатлар парвовирус В19 инфекциясида ишончли кўп учрашини, ревматик артрит кузатилган беморларда эса, фебрил ҳарорат ( $p < 0,05$ ) ва бош оғриғи ( $p > 0,05$ ) кўпроқ учрашини кўрсатди. Артралгия иккала гуруҳнинг барча болаларида кузатилди.

Парвовирус В19 инфекцияси ва аллергик касалликларда 100% ҳолатларда тошмалар қайд этилди, аммо тошмаларнинг табиати сезиларли даражада фарқ қилди. Парвовирус В19 инфекциясига "ёноқлар шаполоқ белгиси" доғсимон-папулёз, қизамиққа ўхшаш ва тўрсимон тошмалар хос бўлиб, уларнинг тана, думба, оёқ ва қўлларда жойлашиши хос бўлди. Аллергик касалликларда тошмаларнинг табиати 47,9% ҳолатларда эшакеми шаклида қайд этилди ва диаметри 3 мм гача бўлган қизил доғлар ва текис хира пушти пуфакчалар шаклида намоён бўлди. Тошмалар бурун, лаб учбурчаги, бўйин, тирсак ва тизза бўғимларининг букиш қисмида кузатилиб ва қичишиши билан кечди. Экзема кўринишидаги тошмалар 32,6% болаларда кузатилиб, улар кўплаб пуфакчаларнинг тана, қўл ва оёқларда пайдо бўлиши билан бирга кечиб, қичишиш ва ундан кейин тирналиш излари билан намоён бўлди. Контактли дерматит 19,4% ҳолатларда кузатилди ва қизариш, мулоқат жойида терининг енгил шишиши ва қичишиши билан намоён бўлди.

Кардиоревматология бўлимига ётқизилган болалар орасида тошмалар ревматик артритга чалинган болаларга нисбатан парвовирус В19 инфекцияси аниқланган беморларда ( $p < 0,05$ ) кўпроқ учради. Ревматик артритда тошмалар 14 (70,0%) ҳолатларда кузатилди ва улар ҳалқа шаклидаги эритема шаклида бўлиб, теридан кўтарилмади ва босилганда йўқолиши аниқланди. Тошмаларнинг ўртача давомийлиги парвовирус В19 инфекциясида 7 кунни, аллергик касалликларда 5 кунни ва ревматик артритда 2-3 кунни ташкил этди.

Аллергология бўлимига ётқизилган парвовирус В19 инфекцияси аниқланган болалар орасида 9,3% ҳолатларда артралгия тизза бўғимларида аниқланди ва 100% ҳолатларда бўғимларнинг шишиши ва бўғимларнинг шикастланишига олиб келмайдиган носимметрик яллиғланиш кузатилди. Аллергик касалликларда бу аломат кузатилмади.

Касалхонанинг кардиоревматология бўлимига ётқизилган беморларда артралгия 100% ҳолатларда кузатилди. Парвовирус В19 инфекциясида тизза бўғимлари артралгияси 80,0%, тизза-товон бўғимлари артралгияси 20,0% ҳолатларда кузатилди. Ревматик артритда кўпинча тизза бўғимларининг шикастланиши 65,3% болаларда кузатилди, тизза ва тирсак бўғимлари - 14,1%, тизза ва болдир-товон бўғимлари шикастланиши 20,5% ҳолатларда аниқланди. Артрит бўғимларда оғрик, шиш, қизариш ва ҳаракатнинг чекланиши сифатида намоён бўлди ва носимметрик шикастланиш билан ажралиб турди. Асосий гуруҳ ва назорат гуруҳларининг барча болаларида касаллик асоратиз ўтди.

Парвовирус В19 инфекцияси билан касалланган беморларнинг умумий қон таҳлили барча ёшдаги болалар гуруҳларида қиёсий ўрганилганда гемоглобин, эритроцитлар ва тромбоцитлар барча ёшдаги гуруҳларда камайиши кузатилди. Назорат гуруҳидаги ревматик артритга чалинган беморларда ҳам гемоглобин даражасининг пасайиши, лейкоцитлар миқдори ва ЭЧТ нинг ортиши барча ёшдаги гуруҳларда қайд этилди ва тромбоцитларнинг бир оз ортиши 15-18 ёшдаги болалар орасида кузатилди. Аллергик касалликларга чалинган беморлар гуруҳида эса, қондаги гемоглобин миқдори нормада бўлиши кузатилди, лейкоцитлар миқдорининг ортиши барча ёшдаги гуруҳларда аниқланди.

Парвовирус В19 инфекциясида қоннинг лейкоцитар формуласи таҳлил қилинганда 8-14 ёшдаги ва 15-18 ёшдаги болаларда сегментядроли нейтрофилларнинг камайиши аниқланди. Аллергия касалликлари билан касалланган беморларда қоннинг лейкоцитлар формуласи қиёсий таҳлил қилинганда лейкоцитоз, эозинофиллар, базофиллар ортиши барча ёшдаги гуруҳларда кузатилди. Ревматик артрит билан касалланган барча ёшдаги болалар учун базофиллар миқдорининг ортиши кузатилди, шунингдек, С реактив оқсил (СРО) ва антистрептолизин О (АСЛО) кўрсаткичларининг ортиши кузатилиб, улар ушбу касалликка хос белгилардан бири бўлиб ҳисобланади. Ревматологик скринингда қондаги АСЛО ва СРО даражасини аниқлаш кенг қўлланилганлиги сабабли, ушбу кўрсаткичлар кардиоревматология бўлимига ётқизилган барча беморларда ўрганилди.

Кардиоревматология бўлимига ётқизилган парвовирус В19 инфекцияси аниқланган болалар учун АСЛО ўртача қиймати нормада ( $192,5 \pm 26,7$  ХБ/мл) бўлди, аммо СРО нинг ортиши кузатилиб, унинг кўртача миқдори  $21,62 \pm 0,62$  мг/л ни ташкил қилди ва беморлар касалхонадан чиқарилгач, қонда ушбу кўрсаткичнинг миқдори нормал кўрсаткичларга тушиши аниқланди. Шу билан бирга, ревматик артрит билан касалланган болаларда АСЛО ва СРО юқорилиги кузатилди, уларнинг ўртача миқдори  $322,0 \pm 4,9$  ХБ/мл ва  $46,7 \pm 0,8$

мг/л ни мос равишда ташкил этди ва ушбу кўрсаткичларнинг параметрлари беморлар касалхонадан чиқарилишидан олдин ҳам нормал кўрсаткичларга тушмаганлиги аниқланди.

Шундай қилиб, парвовирус В19 инфекцияси мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларни эпидемик жараёнига жалб этилиши, баҳорги ва кузги-қишки мавсумийлик, интоксикация синдроми, полиморф экзантема, артралгия ва қонда характерли ўзгаришлар яъни, гемоглобин, тромбоцитлар, эритроцитларнинг барча ёшдаги болалар гуруҳларида камайиши ва 8-14 ёшдаги ва 15-18 ёшдаги болалар гуруҳида сегментядроли нейтрофилларнинг камайиши билан ифодаланиши аниқланди. Парвовирус В19 инфекцияси аллергология ва кардиоревматология бўлимларга ётқизилган беморлар орасида юқори даражада аниқланди ва шифокорларнинг парвовирус В19 инфекцияси тўғрисида етарли маълумотга эга эмаслиги ушбу касалликни ташхислашда хатоликка олиб келади.

## ХУЛОСА

«Ўзбекистонда парвовирус инфекциянинг клиник кўринишларини ва дифференциал ташхисотини баҳолаш» мавзусидаги илмий иш натижаларига кўра қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Тошмалар ва илк бор аниқланган ревматик артрит кузатилган беморларда парвовирус В19 нинг роли аниқланди. Парвовирус В19 инфекцияси жами 29,5% ҳолатларда кузатилди.

2. Аллергология бўлимига тошмалар билан ётқизилган беморлар орасида парвовирус В19 инфекцияси 73,0% ҳолатларда, кардиоревматология бўлимига илк бор ревматик артрит билан ётқизилган беморлар орасида 27,0% ҳолатларда аниқланди.

3. Касаллик 4-7 ёшдаги ва 8-14 ёшдаги болаларда, 41,3% ва 45,1% ҳолатларда мос равишда устунлик қилиши аниқланди.

4. Парвовирус В19 инфекцияси 4-7 ёшдаги гуруҳда “ёноқлар шаполоқ” белгисининг (47,1%) устунлиги ҳамда 4-7 ёшдаги ва 8-14 ёшдаги болаларда катарал синдром (63,5%), тўрсимон тошмалар (35,3%) ва артралгия (33,8%) каби ўзига хос клиник кўринишлар билан тавсифланади.

5. Парвовирус В19 га қарши IgM антитаналар мавжудлиги 21,1% ҳолатларда, парвовирус В19 ДНК си эса, 8,4% ҳолатларда аниқланди.

6. Парвовирус В19 инфекцияси учун гемоглобин, тромбоцитлар, эритроцитларнинг барча ёшдаги болалар гуруҳларида камайиши ҳамда 8-14 ёшдаги ва 15-18 ёшдаги болалар гуруҳида сегментядроли нейтрофилларнинг камайиши хосдир.

7. Аллергология ва кардиоревматология бўлимларида даволанаётган беморларда парвовирус В19 инфекцияси мавжудлиги аниқланди, бу эса, касалхонага ётқизишдан олдин ушбу беморларда қўшимча дифференциал ташхисот текширувларини ўтказишни талаб этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ И  
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ЭПИДЕМИОЛОГИИ,  
МИКРОБИОЛОГИИ, ИНФЕКЦИОННЫХ И ПАРАЗИТАРНЫХ  
ЗАБОЛЕВАНИЙ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ВИРУСОЛОГИИ  
РЕСПУБЛИКАНСКОГО СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОГО НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ЦЕНТРА ЭПИДЕМИОЛОГИИ,  
МИКРОБИОЛОГИИ, ИНФЕКЦИОННЫХ И ПАРАЗИТАРНЫХ  
ЗАБОЛЕВАНИЙ**

**ЛОКТЕВА ЛЮБОВЬ МИХАЙЛОВНА**

**ОЦЕНКА КЛИНИЧЕСКИХ ПРОЯВЛЕНИЙ И  
ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНАЯ ДИАГНОСТИКА ПАРВОВИРУСНОЙ  
ИНФЕКЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**14.00.10 - Инфекционные болезни**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.2.Phd/Tib635.**

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте Вирусологии Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра эпидемиологии, микробиологии, инфекционных и паразитарных заболеваний.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Мусабаев Эркин Исакович</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Худайкулова Гульнара Каримовна</b> доктор медицинских наук, доцент <b>Ибадова Гульнара Алиевна</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али Ибн Сино</b>

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года в \_\_\_ часов на заседании Научного Совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 при Ташкентской медицинской академии и Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре эпидемиологии, микробиологии, инфекционных и паразитарных заболеваний (Адрес: 100109, г.Ташкент, ул. Фароби, 2. Актовый зал 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрировано за № \_\_\_\_). (Адрес: 100109, г.Ташкент, улица Фароби, 2. Тел/факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года).

**Л.Н. Гуйчиев**  
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Н.У. Таджиева**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

**Б.М. Таджиев**  
Заместитель председателя научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней,

доктор медицинских наук, доцент



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Диагностика парвовирусной инфекции В19 остается одной из актуальных медицинских проблем. Парвовирусная инфекция В19 является «...широко распространенным заболеванием во всем мире...»<sup>1</sup>. Однако, во многих странах данное заболевание не входит в перечень инфекций, подлежащих обязательной регистрации, что не позволяет установить истинные показатели данной инфекции. На сегодняшний день трудность диагностики парвовирусной инфекции В19 обусловлена «...сложностью механизмов патогенеза, сходством клинических симптомов с другими инфекционными и соматическими заболеваниями, протекающими с экзантемами и воспалительной артропатией...»<sup>2</sup>. Актуальность данной проблемы определяет необходимость совершенствования клинико-лабораторных характеристик и методов диагностики парвовирусной инфекции В19.

Во всем мире проводится ряд научных исследований по изучению репликации и тропизма парвовируса В19, факторов риска, клинических особенностей, ранней диагностики, предупреждению развития осложнений, эффективности лечения и профилактики парвовирусной инфекции В19. В связи с этим, необходимо определить роль парвовирусной инфекции В19 в структуре экзантемных заболеваний, выявить характерные клинические, лабораторные особенности и оптимизировать методы диагностики данной инфекции. Также особое значение имеет разработка алгоритма ведения пациентов с парвовирусной инфекцией В19 с учетом характерных особенностей и дифференциальной диагностики.

В Республике Узбекистан достигнуты определенные успехи в ранней диагностике инфекционных заболеваний, усовершенствовании методов лечения, профилактики и осложнений. В то же время в системе здравоохранения реализуются масштабные программные мероприятия. В связи с этим, в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 20 июня 2017 года ПП-3071 «О мерах по дальнейшему совершенствованию оказания специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» определены задачи поднять на новый уровень оказание медицинской помощи, «...расширение доступа населения к медицинским услугам, оказание специализированной и высокотехнологичной медицинской помощи...»<sup>3</sup>. Решение данных задач повысит уровень диагностики и лечения инфекционных заболеваний, позволит разработать и внедрить современные методы диагностики и лечения, а также применить инновационные технологии при оказании качественной медицинской помощи.

<sup>1</sup>L.D.Logo, et al. Human parvovirus B19: A review. Acta virologica. 2014:58.-P.199-213.

<sup>2</sup> Д.Ю.Овсяннико. Дифференциальная диагностика инфекционных экзантем у детей. Детские инфекции. 2015.-№1.-С.49-54.

<sup>3</sup>Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года.

Данные задачи способствуют снижению инфекционной заболеваемости за счет повышения уровня современной медицинской помощи на новый уровень в диагностике и лечении инфекционных заболеваний у населения и совершенствования использования современных технологий для качественного медицинского обслуживания.

